

Сийрат дарслари (203-дарс) Муслмоннинг муслмондаги ҳаққи



00:00 / 05.11.2022 2066

780. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Муслмоннинг муслмондаги ҳаққи бештадир: саломга алик олиш, беморни кўриш, жанозага эргашиш, даъватга жавоб бериш ва акса урганга соғлиқ тилаш»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда бундай келган: **«Муслмоннинг муслмондаги ҳаққи олтитадир»**, дедилар. «Улар қайсилар, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. **«Учрашганида, унга салом бер; сени (бирор нарсага) даъват қилганида унга жавоб бер; сендан насиҳат сўраганида унга насиҳат қил; акса ургач, Аллоҳга ҳамд айтганида унга яхшилик тила; бемор**

бўлганида уни бориб кўр ва вафот этганида (жанозасида) ҳозир бўл»,
дедилар».

Муслим ривоят қилган.

781. Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Бирортангиз яхшиликдан ҳеч бир нарсани арзимас санамасин. Агар (ҳеч нарса) топа олмаса, биродарига очиқ юз билан йўлиқсин. Агар гўшт сотиб олсанг ёки қозон қайнатсанг, унинг шўрвасини кўпайтир-да, ундан қўшнингга қуйиб бер».**

Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

782. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Йўлларда ўтиришдан сақланинглар»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули! Биз гаплашиб ўтиришга мажбур бўламиз», дейишди. **«Агар иложсиз бўлиб ўтирсангиз, йўлнинг ҳаққини беринг»**, дедилар. «Йўлнинг ҳаққи нима, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. **«Кўзни тийиш, озор бермаслик, саломга алик олиш, амру маъруф ва наҳйи мункар»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан